



ХАЛҚ АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ ВОСИТАСИДА НАФОСАТ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ .

Хасанов Холбой Хасанович

*Термиз давлат университети Миллий либос ва санъат факультети
доценти*

Абдулазизова Мубина Бўри қизи

*Термиз давлат университети Бадиий графика ва дизайн кафедраси.
Рангтасвир дастгоҳлик таълим йўналиши 2- курс 124- гуруҳ талабаси.*

Аннотация: Мақолада мактабгача тарбия ёшидан бошлаб халқ амалий безак санъати элементлари билан болаларни таништириб бориш кейинги босқичларда болаларнинг нафосат оламини бойитишига катта ёрдам беради деб мақолада ёритиб берилган.

Калит сўзлар: халқ амалий безак санъати, миллий қадриятлар, ўтмиш урф-одатлар, тасвирий, каштачилик санъати.

Аннотация: В статье подчеркивается, что знакомство детей с элементами народного декоративно-прикладного искусства с дошкольного возраста будет во многом способствовать обогащению мира изобразительного искусства детей на последующих этапах их развития.

Ключевые слова: народное декоративно-прикладное искусство, национальные ценности, обычаи прошлого, изобразительное искусство, искусство вышивки.

Abstract: The article emphasizes that introducing children to elements of folk arts and crafts from preschool age will greatly contribute to enriching the world of fine art in children at subsequent stages of their development.

Key words: folk arts and crafts, national values, customs of the past, fine arts, the art of embroidery.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар қандай тарбиячи педагогика фанини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта ўрганиши лозим. Таълим-тарбиядан кўзланган вазифани, режалаштирилган мақсадни англаш ва улар тизимида янгибилимлар бериш болаларни тўғри тарбиялаш шарти ҳисобланади. Бунда тарбиячининг беғараз меҳнати, болаларни севиши ва уларга борлигини бериши каби инсоний хислатлар тарбия самарадорлигини таъминлайди. Асрлар оша сайқалланиб келган ва ҳозирги амалий санъат буюмларининг барчаси мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ҳам тарбия воситасидир Шундай экан бу ёш болаларни эстетик тарбиясига ҳам асос бўлади. Таълим ва тарбияни инсон маънавий бойлигининг энг асоси сифатида қараш мумкин. Ҳақиқатан ҳам таълим-тарбияни, инсоннинг яшаш тарзи, муҳити, шароити ва давлат тизимини урф-одатларидан айрим ўрганиш мумкин эмас. Чунки, миллий қадриятлар,



Ўтмиш урф-одатлар, ёш-қариларнинг маданий-маънавий дунёси билан бирлашиб кетади. Мустақиллигимизнинг бугунги кун-даги барқарорлиги, истиқлол тақдири, жамиятимизнинг илмий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Республикамизнинг кучли илмий салоҳияти, тараққиёт изланишлари, янгича муаммоларни ҳам юзага келтирди. Бу тасвирий ва амалий санъатнинг таълим тизимидаги муваффақиятлари билан уйғунлашган ҳолда бўлишига, улардаги янги таълим-тарбия бериш йўлларини ўргатиш масалалари кун талабидир. Ёш авлод таълим-тарбиясида ахборотларнинг кўплигидан анчайин ўзгаришга олиб келмоқда. Маънавиятимизни, анъаналаримизни, тарихий тараққиётимизни қайта тикланишни янада бойитишга ҳаракат бошланиб кетди. Бойитилаётган ишлар эса дунё оммаси орасида катта воқеа бўлмоқда. Ўтмишдага алломаларимизнинг асрий орзулари ва уларнинг угитлари халқимизнинг қалбидан жой олмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажақда керакли бир касб эгаллашлари, республикамиз келажаги учун энг муҳим йўлдир. Ёшларимиз келажаги ва фаолият қирралари ҳаётимиз мезонидир. Ёшлар таълим-тарбияси ҳар бир ота-онанинг, ўқитувчи-тарбиячининг жамият олдидаги муқаддас бурчидир.

Адабиётлар шарҳи. Ёшларнинг нафосат тарбиясига қаратилган масалаларни биз санъатга доир жиҳатларни ўрганган олимлардан Абдурасулов С, Бойметов Б, Булатов С, Қосимов Қ, Махмудов М, Орипов Б, Файзулина Ҳ.М. Ҳасанов Р.Ҳ, Хакимов А. кабиларнинг илмий асарлари, мақола ва нашр ишларида ҳам кўрамиз Бу олимлар тасвирий ва амалий санъат воситасида ўқувчи ёшларни эстетик тарбиялашнинг турли метод, усул ва воситаларини келтириб ўтадилар. Шу каби тасвирий ва амалий санъатнинг эстетик йўналишлари билан рус олим, методистлари ҳам қизиқиб келган. Булардан В.С.Кузин, Н.Н.Растовцев, Б.Неминский, Н.Т.Шпикалова кабилар методик тарзда олий таълим, умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий ва амалий санъатни ўқитиш масалалари билан шуғулланишган.

Натижалар ва мунозара. Амалий санъат деган сўзнинг луғавий маъноси шуки, бу санъат тури амалда, яъни ҳаётда ишлатиладиган буюмларга қўлланилиб идиш-товоқ, кийим-кечак, гилам, сўзана, ўйинчоқ ва бошқа шу кабиларни безатишни ҳам ўз ичига олади. Халқ ҳунармандлари тамонидан яратилган декоратив амалий санъат асарлари одамларнинг кундалик турмуш эҳтиёжларини қондириш теварак-атрофга, боғлар, уларнинг ташқи ва ички кўринишига гўзаллик киртиш вазифаларига ҳам хизмат қилади.

Декоратив амалий безак санъатда тайёрланган нарсалар, масалан, ҳаётий лавҳалар, гуллар ва ҳоказолар акс этиши мумкин. Лекин улар мустақил характерга эга бўлмайди, яъни маълум бир буюм мазмуни билан боғлиқ бўлади. Тасвирланган буюмларда шартли унсурлар кенг ўринни эгаллайди. Декоратив амалий безак санъат буюмлари бир мунча эркин, ижодкор фантазиясига боғлиқ ҳолда яратилади ва энг аввало, теварак-атрофга гўзаллик киритишга



қаратилган бўлади. Масалан, жимжимадор устун, эшик, дарвозалар, турли рангли нақш ва бўртма тасвирларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Аслида халқ амалий безак санъатини ўрганиш болаларнинг тасвирий ижодий фаолиятларида ҳам самарали рол уйнайди. Болалар аввалги даврларда халқ ҳаёти билан боғлиқ бўлган мавзудаги амалий санъат асарларидан нусхалар олар эканлар, бевосита улар уй жиҳозлари: -гилам, сўзана, лаган, чойнак, пиёла, сандиқ, қутичалар, офтоба, қумғон, чойдиш, панжара ва бошқалар, кийим-кечаклардан: тўн, кўйлак, дўппи, тиллақош, пойабзал, белбоғ, рўмол ва бошқаларни тасвирлашга тўғри келади. Бунда уларга халқ амалий безак санъатидан олган билим ва тушунчалари қўл келади. Халқ амалий безак санъати ҳақида болалар билан ўтказиладиган суҳбатларнинг қуйидагича мазмунда ва кетма-кетликда берилиши фойдалидир. Санъатнинг энг кўп тарқалган турларидан бири декоратив амалий санъат ҳисобланади.

Ўзбек халқининг амалий санъат асарларида кўпроқ гулзорлар, боғлар акс этади. Чунки жазирама иссиқ остида қақраб ётган чўлларни гулзорга айлантириш қадимдан ўзбек халқининг орзуси бўлиб келган. Йигирманчи ва ўттизинчи йиллар Ўзбекистон амалий санъати учун бир мунча янгича ривожланиш даври бўлди. Ғоявий-бадий жиҳатдан бу давр янги йўллар ахтариш, XIX аср охири XX асрнинг бошларида рўй берган тушқунлик тенденцияларидан қутулиш, шу асосида халқ амалий санъатини жонлантириш, қайта ривожлантириш йўллари ахтарилди. Кўп сонли анъанавий санъат турлари ичида ҳаёт билан алоқаси мустаҳкам сақланиб қолди. Чунки, қошдор ва йўл-йўл газламалар, гиламлар тўқиш, сопол идишларга гул солиш, сўзана ва дўппиларга гул солиш ва бошқалар бир қатор самарали ривожланди. Оммавий буюмлар анъанавий нақшли услубда безатилса, ноёб жиҳозларга сайқал беришда аниқ тасвирий мотивларга мурожаат қилина бошланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки.

Мактабгача тарбия ёшидан бошлаб халқ амалий безак санъати элементлари билан болаларни таништириб бориш кейинги босқичларда болаларнинг нафосат оламини бойитишига катта ёрдам беради. Ўзбек каштачилик санъатининг ноёб тури зардўзлик ҳам жадал ривожлантирилмоқда.

Бу соҳа усталари турмуш буюмлари устида иш олиб бормоқдалар. Зардўзлик буюмлари кенг, ёрқин ва лўнда гулли гиламлар, кундал тикилган бежирим жиҳозлар ҳам халқимиз орасида кенг тарқалган.

Булар халқнинг ҳаётида турли мақсадларда ҳамон фойдаланилмоқда.

Айниқса, чиройли дўппилар ва анъанавий характердаги мураккаб, гоҳо шаклдор композицияга эга маҳобатли панолар диққатга сазовордир.

Шундай бўлсада, амалий санъатнинг бу гўзалликлари нафосат тарбиясида муҳим жиҳатлари мактабгача тарбия ёшидан бошлаб ўрганиб борилиши алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида кўриб чиқилиши маълум бўлмоқда.



ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сакулина Н.П Комарова Т.С. “Болалар боғчасида тасвирий фаолият”, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1976
2. Саморукова П.Г. таҳрири остида. “Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат билан таништириш”, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1984.
3. Содиқова Н.Ўзбек миллий кийимлари, XIX – XX асрлар. Т. “Шарқ”, 2003. – 159б.
4. Халезова Н.Б. ва бошқ. “Болалар боғчасида лой ва пластилиндан ўйинчоқлар яшаш”, Т., “Ўқитувчи”, 1991.